

## Сийрат дарслари (141-дарс). Барчамиз Аллоҳга рўбаро бўламиз



19:30 / 18.06.2021 4178

528. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир муслмон кишининг молини ноҳақ равишда олиш учун қасам ичса, Аллоҳга рўбарў бўлганда У зот ундан ғазабланган ҳолда бўлади»**, дедилар.

Абдуллоҳ айтади: «Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ўшанинг тасдиғини Аллоҳнинг Китобидан қироат қилдилар: **«Албатта, Аллоҳнинг аҳдини ва қасамларини озгина баҳога сотадиганларга, ана ўшаларга, охиратда асло насиба йўқдир»**.

*Муслим ривоят қилган.*

Бошқа ривоятда шундай келган: «Сўнгра Ашъас ибн Қайс олдимизга чиқди ва: «Абу Абдурроҳман сизларга нимани айтиб беряпти?» деди. Биз унга айтдик. Шунда у: «Рост айтибди. Аллоҳга қасамки, бу мен ҳақимда нозил бўлган. Мен билан бир киши орамизда қудуқ бўйича хусумат бор эди. Талашиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордик. Шунда Расулуллоҳ: **«Сенинг икки гувоҳинг ёки унинг қасами»**, дедилар. «Агар бундай бўлса, у қасам ичаверади, парво қилмайди», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир молга эришиш учун ёлғон қасам ичса, Аллоҳга рўбарў бўлганда У зот ундан ғазабланган ҳолда бўлади»**, дедилар. Сўнг Аллоҳ бунинг тасдиғини нозил қилди. Сўнгра ушбу оятни қироат қилди: **«Албатта, Аллоҳнинг аҳдини ва қасамларини озгина баҳога сотадиганларга...»**

*Бухорий ривоят қилган.*

529. Абу Умома Иёс ибн Саълаба Ҳорисийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ўз қасами билан мусулмон кишининг ҳаққини кесиб олса, Аллоҳ унга дўзахни вожиб ва жаннатни ҳаром қилади»**, дедилар. Шунда бир киши у зотга: «Агар оз нарса бўлса ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули», деди. **«Агар арокдан бўлган чўп бўлса ҳам»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

*Арок – мисвок олинадиган бута.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**